



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 85 (12.646)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МАМЛАКАТИМИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Шу йилнинг 5-6 июнь кунлари Тошкентда «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2014 йил 2 апрелда қабул қилинган фармойишига мувофиқ ўтказилган мазкур конференцияда Хитой, АКШ, Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Австрия, Ҳиндистон, Озарбойжон, Бельгия, Болгария, Венгрия, Индонезия, Латвия, Литва, Польша, Словакия каби давлатлардан олимлар, экспертлар, инвесторлар, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси, Осие тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

Бугунги кунда агросаноат комплекси нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки чет эл инвестициясини жалб қилиш,

юқори технологияли асбоб-ускуналарни жорий этиш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришда етакчи тармоқлардан бирига айланди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш бўйича 550, паррандачиликда 262, балкичиликда 345, асаларичиликда 255 лойиҳанинг амалга оширилиши ҳам шундан далолат беради. Қишлоқ хўжалиги соҳаси маҳсулдорлигини оширишга доир чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши самарасида сабзавот етиштириш ҳажми 10,8 фоиз, гўшт 6 фоиз, сут 6,7 фоиз, тухум тайёрлаш 13,5 фоиз ошди. Йирик қорамоллар умумий сони 4 фоиз ўсиб, 10,6 миллион бошга етди.

Асосий икки йўналишнинг ривожлантирилиши, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, уни тўлиқ қайта ишлаётган ва ўз бизнесини юқори даражада диверсификация қилаётган

фермер хўжалиklarининг қўллаб-қувватланаётгани, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ускуналари ва технологиялари ишлаб чиқарадиган етакчи хорижий компаниялар билан қўшма корхоналар ташкил этилаётгани бу муваффақиятларда муҳим омил бўлаётди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган иккита дастурий ҳужжат – 2012-2015 йилларда озиқ-овқат саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари дастури ва 2012-2015 йилларда қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг турини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури яқин истиқболда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноатини янада ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

БАРҚАРОРЛИК — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Пойтахтимизда миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобатбардошлигини ошириш ва банк-молия тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

худудларнинг ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожланиши, банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш масалаларига бағишланди.

– Мамлакатимизда мавжуд ресурслар ва имкониятлар туфайли аҳоли ҳаёт сифати ва даромади босқичма-босқич ошиб бормоқда, – дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта илмий ходими Жасур Холов. – Бу жараёнда ёшларнинг иштирокига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча олий ўқув юр்தларида «Ёш олимлар кенгаши» фаолият юритмоқда. Ушбу тузилмалар ёш олимлар, катта илмий ходимизланувчилар ва магистрантларни қўллаб-қув-

«ДУНФАН ЦЗАОБАО» ГАЗЕТАСИ «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ» ҲАҚИДА

Яқинда Шанхайда чоп этиладиган оммабоп «Дунфан Цзаобао» газетаси саҳифасида «Ўзбекистон 2014 йилни «Соғлом бола йили», деб эълон қилди» сарлавҳаси остидаги мақола босилиб чиқди.

Чжоу Цзинь қаламига мансуб ушбу мақолада аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши, айниса, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланади. Бундан олдин ҳаётга татбиқ этилган «Она ва бола йили», «Баркамол авлод йили», «Оила йили» сингари давлат дастурлари доирасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилган эди», деб ёзади у.

Нашрда қайд этилишича, «Соғлом она – соғлом бола» умуммиллий дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилган улкан ишлар мамлакат ва жамият тараққиёти учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этиш имконини берди. Шу тариқа мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш давомида она ва бола саломатлигини ҳимоя қилишнинг миллий модели яратилдики, у бугунги кунга қадар бутун дунёда ўз эътирофини топди.

Шунингдек, газета 2014 йили Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техникавий базасини янада мустаҳкамлашга, тиббиёт муассасаларини замонавий юқори технология асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга ҳамда улар юқори малакали кадрлар билан таъминланишига янада катта эътибор қаратилишини ўз ўқувчиларига маълум қилган. Муаллиф қайд этганидек, Ўзбекистонда кўп тармоқли болалар марказини қуриш кўзда тутилган ва у Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида ягона марказ бўлади.

Нашр Ўзбекистонда ота-онаси ва имконияти чекланган болаларга алоҳида эътибор қаратилиши ҳусусида ҳам атрафлича тўхталган. «2015 – 2017 йилларда «Меҳрибонлик» уйлари, ихтисослашган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техникавий базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда ўқув-тарбиялаш жараёнларини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қўрилади. Соғлом боланинг тарбияланишида, оилаларга, биринчи навбатда, ёшларга ўз вақтида моддий ва маънавий қўмак кўрсатилиши борасида маҳалла институтининг ролини оширишга, унинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда», деб ёзади газета.

Юқоридагилардан ташқари, нашрда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш кўзда тутилганига ҳам эътибор қаратилган. «Болалар ҳар томонлама баркамол, маънавий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлангани ҳолда уларни мактабга тайёрлашнинг янги дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш мўлжалланган. Болаларнинг хорижий тилларни ўрганишларига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун мактаблардаги чет тиллар кабинетлари замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозланмоқда», деб ёзади «Дунфан Цзаобао» газетаси.

«Жаҳон» АА
Шанхай



• Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси: ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

• Жиззахда мактаб ўқувчиларининг тасвирий санъат фестивали бўлиб ўтди. Унда юз нафарга яқин ўқувчининг рангтасвир, наққошлик, бадий тўқувчилик, каштачилик ва тасвирий санъатнинг бошқа йўналишлари бўйича ижодий ишлари намойиш этилди. Фестиваль доирасида Дўстлик туманидаги 3-болалар мусиқа ва санъат, Бахмал туманидаги 26-умумтаълим мактабларида ҳам тадбирлар ташкил этилиб, уларда ўқувчиларнинг ижодий кўрғазмалари, янги асарлар тақдимотлари, таниқли санъаткорлар билан учрашувлар, маҳорат дарслари, болалар бадий жамоаларининг концерт дастурлари намойиш этилди.

• Бухорода «Камолот» ёшларнинг чинакам таянчи ва суянчи бўлсин! шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида ўтказилган «Футбол шоу» мусобақаси, Ўзбек жанг санъати бўйича кўрғазмали чиқишлар, «Камолот сари» шиори остидаги «Камолот-тур» велопойгаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

• Андижон шаҳрида теннис бўйича эркалар ўртасидаги «Фьючерс» ҳамда Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида кирувчи хотин-қизлар халқаро турнирлари бошланди. Унда Германия, Франция, Голландия, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Беларусь сингари ўнга яқин мамлакатдан теннисчилар иштирок этмоқда.



• Ўтган ойда Японияда чакана савдо ҳажми 6,3 фоизга ошган бўлиб, бу февралдаги кўрсаткичга нисбатан сезиларли даражада юқоридир. Мамлакатда бундай тез суръатда ўсиш ҳолати сўнги 17 йил ичида илк бор кузатилмоқда. Маълумотларга қараганда, бунга асосий сабаб мамлакатда 1 апрелдан савдо солиғи ставкаларининг кўтарилиши муносабати билан истеъмолчилар олдиндан техника воситалари, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотларни кўпроқ харид қилишгандир.

• Ҳиндистонда 2 минг километргача узокликка парвоз қилувчи баллистика ракеталарни йўқ қилиш имконига эга янги ракетага қарши мудофаа тизими синовдан ўтказилди.

• 3 минг нафар соғлом, кўнгилли кишилар ўртасида ўтказилган тадқиқотлар жараёнида югуриш, сузиш ва велосипед ҳайдаш каби машғулотларнинг инсон мия тўқималарини мустаҳкамлаб, ақлий салоҳиятини ошириши яна бир бор исботланди. Бундай жисмоний машғулотлар вақтида мушакларнинг кислород билан таъминланиши яхшиланади. Бу эса саломатлиқни сақлашда энг муҳим омиллардан биридир.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти ҳамда Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда илмий-тадқиқот институтлари олимлари, олий ўқув юр்தлари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида ҳам барқарор юқори ўсиш суръатларига эришаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараёнларни инобатга олган ҳолда, иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш устувор вазифа сифатида қайд этилди.

Мазкур вазифалар ижроси доирасида ташкил этилган анжуман макроиқтисодий ривожланиш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида устувор тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш,

ватлаб келаётди. Мазкур анжуман ҳам иқтисодиёт ва банк-молия, халқаро муносабатлар, тизим муаммолари ва унинг ечими, соҳа янгиликлари борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган мутахассисларни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Тадбирда иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технология янгилаш қўламини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, молия бозорини ривожлантириш истиқболлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкентда бўлиб ўтадиган мазкур халқаро конференцияда шу ва бошқа масалалар хусусида батафсил маълумотлар берилди.

Конференция иштирокчилари Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инфратузилмаси объектларида ташриф буюради. Халқаро конференция бўлиб ўтадиган Симпозиумлар саройида ташкил қилинадиган ихтисослаштирилган кўргазмада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг йўналишлари ҳам намоёни этилади. Бундан ташқари, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятлари, захира ва салоҳияти тўғрисидаги видеофильм иштирокчилар эътиборига ҳавола этилади.

Ялпи ва секцияларга бўлинган мажлисларда жаҳон озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, инсоннинг тўйиб овқатланишига эришиш, истеъмол саватининг мақбул тузилмасини шакллантириш, замонавий агротехнологияларни жалб этиш, узум ва мева-сабзавот экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, инфратузилма ва логистика тизимларини такомиллаштиришга оид лойиҳаларни амалга оширишда халқаро молия институтлари, инвесторлар билан ҳамкорликка доир ҳамда бошқа масалалар муҳокама этилади.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — СИФАТ ВА ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Озиқ-овқат саноати: янги корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳозлаш — тараққиёт кафолати» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан ташкил этилган тадбирда юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида изчил ислохотлар олиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунинг натижасида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланган галла, гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавотларнинг миқдори кўпайди ҳамда уларни қайта ишлаш ҳажми кескин ошди.

Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси мутахассисларининг айтишича, жорий йилнинг биринчи чорагида тармоқ корхоналарида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоизга ўсди.

Тармоқда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, янги корхоналарни барпо этишда кенг миқёсда сармоа йўналтириш талаб этилади. Шу боис уюшма томонидан инвестицияларни жалб этиш, чет эллик сармоядорлар иштирокида янги лойиҳаларни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда уюшма тизимидаги корхоналар томонидан 42 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, 80 миллион

доллардан ошроқ маблағ жалб этилиши режалаштирилган.

2014 йилда Иқтисодий вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда 1 минг 180 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар муваффақиятли ҳаётга татбиқ этилса, 10 минг 400 тага яқин янги иш ўринлари яратилади ҳамда 7950 тонна сутни, 3950 тонна гўштни, 10500 тонна мева-сабзавот ва узумни ва 25800 тонна бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга тушади. Жорий йилнинг биринчи чорагида режа қилинган лойиҳаларнинг 275 таси бажарилиб, икки мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Юқори унумли ва тежамкор ускуналарни қўлламай туриб, харидорлар дидига мос маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иложи йўқ. Шунини инобатга олган ҳолда уюшма корхоналарига замонавий технологияларни татбиқ этиш, маънавий жиҳатдан эскирган ускуналарни янги, замонавийлари билан алмаштириш ишларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Ўрнатилган тежамкор технологиялар иш унумдорлигини оширишдан ташқари маҳсулот таннархининг пасайишига ҳам имкон яратаётди.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Абдуалим САЛИМОВ

Тошкент шаҳридаги Олмазор туманида жўялаган 298-сонли умумий ўрта мактабда битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичига йўналтириш бўйича «Мен танлаган касб — менинг келажгим» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Маълумки, мамлакатимизда аҳолини меҳнатга жалб этиш, мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларга қўлай шарт-шароитлар яратиб бериш энг муҳим вазифалардан саналади. Шу маънода, мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига йўналтириш, уларни коллеж ва академик лицейларга қамраб олиш ҳам мазкур жараённинг изчиллигини таъминлайди.

Ташкил этилган мазкур тадбирга ҳам айнан пойтахтимиздаги умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари жалб этилди. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган семинарда Тошкент шаҳар прокуратураси, Республика таълим

ЁШЛАР БАНДЛИГИ — УСТУВОР ВАЗИФА

маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, туман Халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ва умумий ўрта таълим мактаби раҳбарлари иштирок этишди. Икки қисмдан иборат семинарнинг илк босқичида таърибли ўқитувчилар, психологлар, касбга йўналтирувчи мутахассислар иштирокида очик дарслар, давра суҳбатлари, тренинг машғулотлари, шунингдек, пойтахтимиздаги ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхона вакилларининг

кўргазмали чиқишлари ташкил этилди. — Мазкур тадбирнинг асосий мақсади 9-синф ўқувчиларини таълимнинг навбатдаги босқичига ўтказиб, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилгандир, — дейди ўқувчиларни касбга йўналтириш психологик ва педагогик Республика таълим марказининг Тошкент шаҳри вакили Нигора Алимова. — Бунда асосий сарғизта йўналишдаги очик дарслар, мавзуга оид суҳбатлар ташкил этилиб, шу орқали бу борадаги мав-

Мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро олимпия қўмитаси ижроия қўмитаси аъзоси, Халқаро енгил атлетика федерацияси (IAAF) вице-президенти Сергей Бубка Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси М.Усмонов билан учрашди.

ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ ВАКИЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Суҳбат чоғида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ва олимпия ҳаракатини изчил ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор ва ғамхўрлик юксак самалар бераётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган енгил атлетика тобора оммалашиб бораётди.

Спортчиларимизнинг нуфузли мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2013 йилда енгил атлетикачиларимиз халқаро миқёсдаги турнирларда 45 олтин, 70 кумуш ва 36 бронза — жами 151 медални қўлга киритгани бунинг далилидир. Жорий йил февраль ойида Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказилган енгил атлетика бўйича ёпиқ иншоотлардаги VI Осиё чемпионатида терма жамоамиз аъзолари учта олтин, учта кумуш, иккита бронза — жами саккизта медалга сазовор бўлди.

Сергей Бубка Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази, «Пахтакор» стадиони ҳудудидаги замонавий енгил атлетика базаси қурилиши жараёни билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон

спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ барпо этилаётган мазкур иншоотлар мамлакатимиз спорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, спортчиларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, машғулотларни юқори савияда ташкил этишга хизмат қилади.

— Президент Ислам Каримов томонидан спортни ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор соҳа тараққиётида муҳим омил бўлмоқда, — деди Сергей Бубка. — Ўзбекистонда спортни ҳар томонлама тараққиёт этириш, спортчиларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самаларини бераётганига гувоҳ бўлдим.

Халқаро олимпия қўмитаси ижроия қўмитаси аъзоси, Халқаро енгил атлетика федерацияси вице-президенти Сергей Бубка Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси раиси Ф.Ибрагимов билан учрашди.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «XXI асрда жаҳон сиёсатида архитекцион ўзгаришлар: geopolitik концепцияси ва Ўзбекистон амалиёти» мавзусида «Ўзбекистон ва халқаро ҳамжамият» руҳи остида учинчи анъанавий илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманлар

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Конференциянинг ялпи мажлиси институт ректори А.Манноновнинг кириш сўзи, таърибли олимлар С.Сафоев, С.Адилходжаева, У.Желменов, Б.Каримов, Н.Қосимова ва бошқаларнинг долзарб мавзудаги чиқишлари билан бошланди. Ялпи мажлис ва «Ҳозирги давр жаҳон сиёсатининг назарий-концептуал ва доктринал масалалари», «Ўзбекистон Республикасининг таъқиқ сиёсати ва таъқиқ сиёсий курси», «XXI асрда жаҳон сиёсатида асосий таҳдидлар ва уларни бартараф этишнинг сиёсий-дипломатик, халқаро-ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлари», «XXI асрда хорижий давлатлар таъқиқ сиёсати ва таъқиқ сиёсий фаолиятининг долзарб масалалари» каби шўъбаларда мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг 90 га яқин маъруза ва бошқа илмий чиқишлари тақдим этилди. Улар орасида «Устоз-шогирд» тизимида тайёрланган магистр, бакалавр, ёш тадқиқотчилар, катта илмий ходим-изланувчиларнинг ишлари ҳам ўрин олган.

Анжуманнинг анъанага айланганлиги бежиз эмас. Зеро, ҳозирда жаҳонда рўй бераётган ўзгаришлар, мураккаб геосиёсий жараёнлар, вужудга келаётган янги дунё тартиботида Realpolitik концепциянинг аҳамияти, уни амалий жиҳатдан қўллашнинг сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий, дипломатик ва иқтисодий механизмлари, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг турли йўналишлардаги таъқиқ сиёсати ва таъқиқ сиёсий фаолиятини атрофлича таҳлил қилиш, тадқиқ этиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Конференцияда маъруза ва бошқа чиқишларда кўтарилган қатор масалалар бўйича фикр, мулоҳазалар билдирилиб, тавсиялар берилди. Шунини айтиш кераки, конференция материалларининг тўплам сифатида нашр қилиб тарқатилганлиги, амалиётда, тадқиқот ишларида, фикр алмашишда, таълим-тарбия ишларида албатта қўл келадиган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

жуд муаммоларни ҳал этиб, келгусидаги режалар белгилаб олинди. Шу билан бирга, семинарда ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам бевосита иштирок этиб, тақдим этилаётган тақлифлар, иш берувчи корхоналарнинг имкониятлари билан яқиндан танишишди.

Тадбирнинг иккинчи қисми ялпи мажлис муҳокамасига бағишланди. Унда семинар иштирокчилари ўз маърузалари билан касб танлаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш, бандлик муаммоларини ҳал этишга доир фикрларини билдириб ўтишди. Қурилиш-муҳандис ва ишлаб чиқаришга қаратилган ташкилот ходимлари зарур тавсияларини қатнашчилар билан ўртоқлашди. Шунингдек, бу масалада «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мактаб ва оилалар билан биргаликда баҳамжиҳат бўлиб ишлаб, ёшларнинг истак ва имкониятларини ўрганиб чиқиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Наргиза АСАДОВА,
«Туркистон-пресс»

Қарор ва ижро

ҲАР ТОМЧИСИ ҲИСОБЛИ ВА ҚАДРЛИ

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва «Сувсоз» давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида Қибрай туманидаги «Қодирия» сув иншооти ва Сергели туманидаги «Салар» аэрация станциясига медиатур ташкил этилди.

Ҳаёт манбаи бўлган сувни тежаш, табиатнинг ушбу неъматидан оқилона фойдаланиш, сув ҳавзалари ифлосланиши, ичимлик суви исроф бўлишининг олдини олиш долзарб вазифалардан. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бу борада кенг қўламли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Табиатнинг ноёб ҳудудларига ташкил этилаётган медиатурлар шулар жумласидандир. Бундан кўзланган мақсад аҳоли, айниқса, ёшларнинг юртимизда амалга оширилаётган экологик сиёсатдан хабардорлигини ошириш, экологик билим ва дунёқарашини бойитиш, долзарб экологик муаммоларни бартараф этишда жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майда қабул қилинган «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида мазкур йўналишдаги ишлар қўлами янада кенгаймоқда.

Пойтахтимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш етти та сув иншооти орқали амалга оширилади. «Қодирия» уларнинг энг йириги бўлиб, мазкур иншоот орқали ҳар куни бир ярим миллион кубометр ичимлик суви етказиб берилади. Тоғ-тошлардан оқиб келаётган сув Бўзсув канали орқали ушбу иншоотга қўйилгач, бир неча босқичда тозаланади. Бу жараёнда икки юздан ортиқ мутахассис ва ишчи-ҳодим меҳнат қилади.

«Сувсоз» давлат унитар корхонаси томонидан кейинги йилларда сув иншоотларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга оид лойиҳалар натижасида «Қодирия» иншоотининг насос станцияларига янги, замонавий қурилмалар ўрнатилди. Иш жараёнини назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлашган тизими жорий этилди, замонавий ҳисоблагичлар ўрнатилди. Бунинг натижасида электр энергиясини тежаш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада оширишга эришилмоқда.

Аҳолига етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифатини назорат қилиш ҳам тизимли асосда йўлга қўйилган. Сув иншоотидаги кимёвий-бактериологик лабораториялар узлуксиз фаолият юритади.

Ана шундай кўп босқичли жараёнлардан ўтиб, истеъмолчиларга етиб бораётган, жаҳон андозалари талабларига тўла мос келаётган тоза ичимлик суви исроф бўлишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида эколог мутахассислар ва сувсозлар ҳамкорлигида мунтазам тарғиб-ташунтириш тадбирлари ташкил этилмоқда.

Медиатур иштирокчилари Сергели туманидаги «Салар» аэрация станцияси фаолияти билан ҳам танишди. Тадбир доирасида эколог мутахассислар, сувсозлар, журналистлар иштирокида ташкил этилган давра суҳбатида сувни тежаш, уй-жой ва коммунал хўжалиги тизимида оқоваларни қамайтириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш борасидаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтириш хусусида фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

МАҲАЛЛАДОШЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

Ҳамза туманидаги «Матрифат» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлар, нуроний отахонлару онахонлар иштирокида хайрия тадбири уюштирилди.

Маҳалла фаоллари ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда меҳрга муҳтож имконияти чекланган инсонларга, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар вакилларига моддий-маънавий кўмак кўрсатилди. Ушбу савоатдан мамнун бўлган маҳалладошлар маҳаллага, юртга осойишталик, тинчлик тилаб дуога қўл очиди.

Фаоллар томонидан бу каби тадбирларни тез-тез уюштириб туриш таъкидлангани ҳолда маҳаллада келгусида бажариладиган ишлар режаси ҳам белгилаб олинди.

Камола ХАТАМОВА



Тошкент шаҳар табиатни муҳофазат қилиш қўмитасининг саҳифаси

ҚОНУН ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳар ҳокимиятида ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунининг экологик назоратни амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари мажбуриятлари белгилаб қўйилган 12- ва 16-моддаларининг ижроси бўйича жамоатчилик эшитувига бағишланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари, пойтахтнинг Ободонлаштириш, «Махсустрас», Архитектура ва қурилиш, Иқтисодиёт бошқармалари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари, Халқ таълими, Ички ишлар бош бошқармалари, Табиатни муҳофазат қилиш қўмитаси, Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш департаменти, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раҳбарлари ва мутахассислари, экология йўналишида фаолият юритаётган ННТлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда шаҳар «Махсустрас» ИЧБ бошлиғи К.Набиевнинг «Шаҳар ҳудудларидан белгиланган муддатларда маийши чикиндиларни олиб чиқиб кетиш учун маҳаллий автотранспорт воситаси билан таъминлаш, ташкилий равишда олиб кетиш ва белгиланган манзилдаги объектга топшириш», шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари С.Аглаевнинг «Архитектура ва қурилиш бошқармаси билан биргаликда шаҳар кўчалари учун замонавий урналарни тайёрлаш, ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ҳамда жамоат жойларига жойлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар» юзасидан хисоботлари катта қизиқиш билан тингланди.

Пироваддида, иштирокчилар томонидан кун сайин чирой очиб бораётган, чет элликлари ҳам маҳлиё этиб улгурган пойтахтнинг жамоли-

ни янада кўркамлаштиришга оид фойдали, амалий таклифлар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши гуруҳ раҳбари Ш.Азизов экология, табиат муҳофазаси, саломатликка алоқадор соҳалар раҳбарларининг учрашувини жамоат эшитувлари услубида мунтазам ташкил этиб туриш фойдадан холи эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ННТлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов, анжуман иштирокчиларининг яқин ҳамкорликда, шерикчиликдан унумли фойдаланган ҳолда экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича янада ҳам-жиҳатлик билан ишлашлари давр тақдоси эканлигига алоҳида ургу берди.

«ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари К.Жўраев бугунги жамоат эшитув услубидаги тадбирнинг самараси катталиги, ННТларнинг давлат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги фаолиятига эътиборни ниятда кўчатириш зарурлигини таъкидлаган ҳолда аҳоли, айниқса ёшларда табиатга меҳр уйғотиш борасида улар ўртасида экологик саводхонлиқни оширишга эришиш учун кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини турли услубларда (жамоат эшитув, семинар, фестиваль, давра суҳбатлари, «очик» дарслар, семинар-тренинглари, бадий чикнишлар, кўрик-танловлар) ташкил этиш билан бир каторда айниқса шаҳар газеталари саҳифаларида ҳам экологик тарбия, табиат муҳофазаси мавзусига бағишланган материалларни янада кўпроқ чоп этиш мақсадга мувофиқ бўлишини қайд этди.

Миркарим МИРСОВУРОВ



Бунча гўзал сўлим баҳор гуллари

Ислом Исмоилов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофазат қилиш давлат қўмитасининг ташаббуси билан юртимизнинг барча минтақаларидаги табиатни муҳофазат қилиш қўмиталари қошида маслаҳат марказлари очилди. Жумладан, шу ойда Тошкент шаҳар табиатни муҳофазат қилиш қўмитаси қошида ҳам шундай марказ ўз фаолиятини бошлади.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Маслаҳат маркази фаолиятининг асосини шаҳар табиатни муҳофазат қилиш қўмитасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари вакиллари билан амалий алоқаларни янада мустаҳкамлаш тамойили ташкил этади. Чунончи, марказда тадбиркорлар турли-туман иншоотларининг қурилиш борасида табиатни муҳофазат қилишга йўналтирилган ҳужжатларни тайёрлаш бўйича батафсил маълумотларни олишлари мумкин. Маслаҳат маркази ходимлари мажбуриятлари сирасига фуқаролар эътиборига ҳамма иншоотлар учун давлат экологик экспертизаси учун бажариладиган атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш мезонлари юзасидан барча ўзгаришлар ва янгиликларни тезлик билан етказиш қиради. Марказда табиатни ифлослантирувчи моддаларни атроф-муҳитга чиқарилишини тартибга солишчи мето-

дик ҳужжатларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш чикиндиларини зарарсизлантириш усуллари, экологик сертификатни олиш тартиб-қоидалари тўғрисида барча маълумотларга эга бўлиш мумкин. Маслаҳат марказини ташкил этишда атроф-муҳитни муҳофазат қилувчи хизматининг нуфузини ошириш мақсади илгари сурилган эди. Шу босим марказда фаолият кўрсатувчи мутахассислар олдига юксак талаблар қўйилмоқда. Улар ҳамшаҳарларимизга табиатни муҳофазат қилишга тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатлар, экологик экспертиза ва сертификатлаштиришнинг барча жиҳатларини батафсил етказадилар. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, маслаҳат маркази томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар беғараз тарзда амалга оширилади. (Ўз муҳбиримиз)

ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАРНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Бугунги кунда экологик инқирознинг олдини олишда аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёшларнинг экологик-ҳуқуқий таълим-тарбияси, маданият ва маънавият ҳал қилувчи омиллардан бири саналади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Эко-бо» ҳудудида «Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шиори остида «Экология ва мен», «Ёшлар экологик тоза ҳаётни танлайди» мавзусида акция бўлиб ўтди.

Экологик маданият табиатнинг ривожланиш қонунларини чуқур англаган ҳолда унга зарар етказмай асраб-авайлашди, — дейди «Камолот» фаолларидан Элёр Тўлаганов. — Унинг тараққиёти экологик таълим-тарбия ҳамда экологик маълумотларни аҳоли-

га, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш, тарғибот-ташвиқот қилиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Дарҳақиқат, экологик маданият замирида экологик таълим-тарбия, соғлом турмуш тарзи ва фаровонлик ётади.

Ёшларнинг экологик маданиятини ошириш, ўзи яшаб турган ҳудудни тоза сақлаш, атроф-муҳитни асраб-авайлашни ўргатиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида уюштирилган ушбу тадбирда пойтахтимизнинг юз нафардан ортиқ истеъдодли ёш ўғил-қизлари қатнаш-

дилар. Улар атмосферани чикиндилар, завод ва фабрикалардан чиқаётган тўтунлар ҳамда экологияни ифлослантираётган бошқа зарарли моддалардан маълум миқдорда ҳимоялаётган дарaxтлар, гуллар ва ямғирли бўлиб ўсаётган майсаларни асфальт ва деворий газеталарда тасвирлаб истеъдодларини намойён этиб, ўзаро беллашдилар.

Мусобақада болалар ижодини расомлар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ходимлари баҳолаб, барча қатнашчиларга омад тиладилар.

Тадбир сўнггида ташкилотчилар томонидан ғойиблар қимматбах овозлар билан тақдирланди ва иштирокчиларга бадий китоблар тарқатилди.

Ушбу акция доирасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати ходимлари иштирокида ўқув-семинари ҳам ташкил этилди.

Зафар НАЗАРОВ

Тошкент шаҳар табиатни муҳофазат қилиш қўмитаси жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида 33 та комплекс, 5 та режадан ташқари қисқа муддатли, 38 та назорат тартибидида, 54 та давлат бюджетидан молиялаштириладиган объектлар бўйича текширишлар ўтказди.

Сергели туманидаги «Соҳил» боғи ҳудудида яшил кўкаламзорларнинг ноқонуний кесилганлиги ва ўсимлик дунёсига 267,6 миллион сўмлик етказилган зарар бўйича Жиноят кодекси 198-моддасининг 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилган. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

Худди шундай ҳолатлар Учтепа туманидаги «Қуйи дархон» маҳалласи, шу

31,4 фоиз автомобилларда зарарли моддалар белгиланган миқдордан ортиқлиги аниқланди.

Нозирлар томонидан солинган жарималардан қўйидагиларни мисол тариқасида келтирсак бўлади:

● «BABY PLAST» МЧЖ директори М.Аҳмедов тегишли норматив ҳужжатларсиз атмосферага ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлиги учун ЎзР МЖ

Кодексининг 85-моддасига асосан 288,315 минг сўмлик жаримага тортилди.

● «GRAND MIR» ҚК МЧЖ бош директори Р.Исламовга ифлослантирувчи моддаларни қўйидагиларни мисол тариқасида келтирсак бўлади: ушбу қондабузарларга нисбатан ҳам тегишли чоралар қўрилган. Ўтказилган текширишлар натижасида 352 киши маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиб, жавобгар шахсларга 27815,9 минг сўм миқдорда жарима солинган.

● «ALIMAR» МЧЖ технологи Б. Джуматов ишлаб чиқариш чикиндиларини сақлаш ва зарарсизлантириш қоидаларини бузганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 91-моддасига асосан 96,105 минг сўмлик жаримага тортилган.

● «YORILTOSH QURILISH AVTO» МЧЖ механизми И. Эрдановдан сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 75-моддасига асосан 96,105 минг сўмлик жарима ундирилди.

● «RWS OPTIMUM» ШК механизми Н. Джуматов нефть маҳсулотларини ерга тўкиб, уларни яроқсиз ҳолга туширганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 65-моддасига асосан 384,42 минг сўмлик жаримага тортилди.

● «AVLODA BEGIM» МЧЖ директори Т.Комолов ўсимлик дунёсига етказган зарари учун ЎзР МЖ Кодексининг 162-моддасига асосан 192,21 минг сўмлик жаримага тортилди.

● «МАХСУСЭЛЕКТРОТАРМОҚ-ҚУРИЛИШ» ОАЖ директор ўринбосари Р. Умаров табиий сув манбаларидан сув олиш лимит ва қоидаларини бузганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 74-моддасига асосан 100 минг сўм миқдорда жаримага тортилган.

● «YANGI ISTIQLOL BIZNES» МЧЖ директор ўринбосари Б. Хоминжонов экологик экспертизасининг ижобий ҳулосасини ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 96-моддасига асосан 192,21 минг сўмлик жаримага тўлайдиган бўлди.

ТЕКШИРУВДА АЁН БЎЛДИ

тумандаги «Озода ва Умид» коммуналчи» ХУЖМШлари, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 71а-уйда жойлашган 129-сонли мактаб ҳудудида ҳам кузатилиб, ушбу қондабузарларга нисбатан ҳам тегишли чоралар қўрилган. Ўтказилган текширишлар натижасида 352 киши маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиб, жавобгар шахсларга 27815,9 минг сўм миқдорда жарима солинган.

Хисобот даврида шаҳардаги корхоналар ва автомагистралларда автоуловлардан чиқаётган зарарли моддалар миқдори бўйича 35 та автотранспорт воситалари текширилиб, 11 тасида ёки

ОДАМ САВДОСИ — ДАВР МУАММОСИ

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида долзарб масалага айланиб улгурган одам савдоси давр муаммоси ҳисобланмоқда. Ушбу муаммага қарши курашиш йўлида мамлакатимизда ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органлар, нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотлари ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиб, аҳоли, айниқса ёшлар орасида тарғибот ишларини олиб бормоқдалар.

Жорий йилнинг 19 февраль куни Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси томонидан тасдиқланган «Хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашишнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушултиришга қаратилган «Одам савдоси — давр муаммоси» тарғибот лойиҳаси шулар жумласидандир.

Кўни кеча Тошкент банк коллежида шаҳар ва Олмазор туман Идораларо комиссияси, прокуратураси, ИИБ, хотин-қизлар қўмитаси, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ, Маънавият тарғибот бўлими ҳамкорлигида шу мавзуга бағишланган семинар ташкил қилинди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова кириш сўзи билан очар экан, одам савдосига қарши кураш борасида авваламбор аҳолининг, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни касбга йўналтириш, ўз вақтида иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ҳолидан хабар олиш, шунингдек, барча мутасадди ташкилотлар кўчи ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиб фаолият қилишлари лозимлигини таъкидлади.

Тадбир давомида «ISTIQBOLLI AVLOD» ёшлар ахборот маърифат маркази мутахассислари томонидан «Одам савдосига қарши курашишда жамоат ташкилотларининг ўрни: ижтимоий ҳамкорлик», «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг мазмун-моҳияти» мавзуларида чиқишлар қилиниб, кўргазмали слайдлар намойиш этилди.

— Марказимизнинг асосий фаолияти барча ижтимоий қатламдаги ёшларга уларнинг ҳимоят ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўринлари, ҳуқуқ, мажбурият ва имкониятлари тўғрисидаги ахборотни етказиш, ўсиб келаётган авлоднинг саводхонлиги ва салохиятини оширишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ, — дейди «ISTIQBOLLI AVLOD» ёшлар ахборот маърифат маркази мутахассиси Шохуда Қосимова. — Одам савдоси муаммосининг олдини олиш бўйича умумтаълим мактаблари, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртиларида манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ахборот семинар-тренинглари, давра суҳбатлари ўтказиб келмоқдамиз. Интерфолд усулда ташкил қилинадиган мавзулар муҳофазаси, саҳна кўринишлари, слайдлар намойиши иштирокчиларни фаоллаштиришга, уларда қизиқтириш уйғотишга ва кўтарилаётган масалага оид ҳаётда учрайдиган муаммоларни назорат қилишга кўмаклашди.

Шу ўринда марказнинг одам савдоси муаммосига қарши кураш борасидаги фаолияти ҳақида тўхталиб мақсадга мувофиқдир. Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида рўйхатдан ўтказилган ушбу марказ ижтимоий ҳамкорлик тармоғига аъзо ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида фаолият қилиб, 2004 йилдан бундан олд одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий-меърий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида давлат ташкилотларига кўмаклашиб келмоқда. Чет давлатларга ишлаш мақсадида кетаётган хотин-қизларнинг одам савдоси қурбонига айланишларининг олдини олиш, ҳуқуқий саводхонликларини ошириш, ушбу жиноятдан жабрланганларнинг Ватанга қайтишларига ҳамда ҳимоятда қайта тикланиб, мослаштиришга кўмаклашиш, уларга тиббий, ижтимоий, ҳуқуқий психологик ёрдам кўрсатиш механизми йўлга қўйилган.

Семинарда шунингдек, Олмазор туман комиссиясининг одам савдосига қарши курашиш бўйича олиб бораётган фаолияти тўғрисида маълумот берилди. Тадбир доирасида иштирокчиларга одам савдоси муаммоси, чет элларга чиқиш ва ўзга давлатларда бўлиш қоидалари, у ерларда норасмий ва ноқонуний ишлашнинг оқибатлари, ушбу жиноятдан жабрланганлар учун йўналтирилган ахборотни ўзидан муҳассама этган бўлетлар тақдим этилди.

Шахноза ҚУДРАТХЎЖАЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент автомобиль-йўллар институти 2013-2014 ўқув йилига профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистентлар бўйича танлов эълон қилади:

1. «Ўзбекистон тарихи» кафедраси — профессор.
2. «Автотранспорт ва йўл ҳўжалиги корхоналари маркетинги» кафедраси — доцент.
3. «Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси» кафедраси — доцент.
4. «Автомобиллар ва ихтисослаштирилган транспорт воситалари таъмирлаш» кафедраси — доцент.
5. «Физика» кафедраси — доцент.
6. «Транспорт логистикаси ва ҳаракат хавфсизлиги» кафедраси — доцент.
7. «Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси» кафедраси — катта ўқитувчи.
8. «Фалсафа ва маънавият асослари» кафедраси — катта ўқитувчи.
9. «Информатика ва информацион технологиялар» кафедраси — катта ўқитувчи.
10. «Автомобиль йўллари ва аэродромларни лойиҳалаш» кафедраси — катта ўқитувчи.
11. «Автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш ва эксплуатация қилиш» кафедраси — катта ўқитувчи.
12. «Автомобилларнинг техник эксплуатацияси» кафедраси — ассистент.
13. «Автомобиллар ва ихтисослаштирилган транспорт воситалари таъмирлаш» кафедраси — ассистент.

Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати:

- Ректор номига ариза;
- Шахсий варақ;
- Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги дипломи нусхалари;
- Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалари нусхаси;
- Илмий ишлар рўйхати;
- Паспорт нусхаси

Ҳужжатлар даврий матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темура шўх кўчаси, 20-й. ТАЙИ. Ходимлар бўлими, 156-хона. Тел. 232-15-29

